

Бақара сураси, 139-оят

12:10 / 06.12.2017 3751

Айт: «Биз билан Аллоҳ ҳақида тортишасизми?! Ҳолбуки, У бизнинг ҳам Роббимиз, сизнинг ҳам Роббингиздир. Бизга ўз амалимиз, сизларга ўз амалингиз, биз эса Унга мухлисмиз». Бақара 139.

Бу ояти карима яҳудий ва насронийларга ва ўзларини ҳақ билиб, Исломни тан олмаётган яна бошқаларга раддиядир. Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга уларга қарата:

«Биз билан Аллоҳ ҳақида тортишасизми?!» – деб айтишни ўргатяпти. Яъни «Биз билан Аллоҳ ҳақида тортишасизларми? Унинг зоти, ҳидояти, кимни пайғамбар қилиб танлаши хусусида тортишиб, ҳужжат суриштирасизларми?»

«Ҳолбуки, У бизнинг ҳам Роббимиз, сизнинг ҳам Роббингиздир. Бизга ўз амалимиз, сизларга ўз амалингиз...»

Яъни «Ҳаммамиз Унга бандамиз. У Зот сизнинг ҳам, бизнинг ҳам Роббимиздир. У бутун оламларнинг Робби сифатида нимани хоҳласа, шуни қилади. Бизнинг амалларимиз бошқа, Роббимиз ўшаларга қараб ҳукмини чиқаради; сизнинг амалларингиз бошқа, Роббимиз ўшаларга қараб ҳукмини чиқаради. Ҳар кимнинг қилган иши унинг белгиси ҳисобланади. Талашиб-тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ».

«...биз эса Унга мухлисмиз».

«Биз мусулмонлар Аллоҳга мухлисмиз. Холис Ўзига иймон келтирамиз, холис Ўзига ибодат қиламиз, холис Ўзидан ёрдам кутамиз. Ушбу ҳолатимиз ҳам ҳеч қандай тортишув, ҳужжат ё солиштирувчини талаб қилмайди».

Масала ойдин бўлди. Тортишувларга чек қўйилди. Ора очиқ қилинди.